

---

## Бефарқ әмасман

8-Давлат мактабгача таълим ташкилотида «Янгилинаётган Конституция-юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун» номли тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ташкилот ҳодимлари, тарбияланувчилар, туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси Азаматжон Абдусаломов, Сойёни МФЙ раиси Машрабжон Жўраев, туман кенгаши депутатлари, фаол ота-оналар ва 14-мактаб педагог ҳодимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар янги таҳрирдаги конституциянинг мазмун-моҳияти, сайлов ва референдум тушунчаларининг фарқи, конституциядаги ўзгаришлар, конституция лойиҳаси халқ фикри ва таклифлари асосида яратилганлиги, янгилинаётган конституцияда мактабгача таълим соҳасига оид моддалар ҳақида йиғилганларга маълумотлар бериб, 2023 йил 30 апрель куни ўтказиладиган Умумхалқ референдумида фаол қатнашиб, юртимиз ва халқимиз фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўладиган янгилинаётган конституциямиз учун овоз беришга чақирдилар.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-04-05 15:50:26